

ISLAMONLINE.UZ

Ҳалол



Қозоғистон ҳукумати ҳалол маҳсулотлар  
стандартини назорат остига оляпти



Козогистон ҳукумати ҳалол маҳсулотлар ишлаб чиқариш стандартини тасдиқлади ва ҳалол стандартга мувофиқлик ҳақида давлат сертификатлари берадиган махсс органни аккредитация қилади.

“Козогистон Республикаси Техник жихатдан тартибга солиш ва метрология кўмитасининг Козогистон стандартлаштириш ва метрология институти ҳалол

маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи органни аккредитация қилишни бошлади”, — дейилади республика Савдо ва интеграция вазирлиги сайтида. Вазирликда стандартнинг ҳукумат даражасида, давлат сертификатлари берилиши билан тасдиқланишига Козогистон товарларининг араб мамлакатлари бозорларида рақобатбардошлиги ошиши сабаб бўлди.

Козогистонда ҳалол маҳсулотлар стандартларини тасдиқлаш ҳақидаги қарор мамлакат президенти Қосим-Жўмарт Тўқаевнинг БАА элчиси билан учрашуви арафасида қабул қилинди.